

Ўзбекистон халқидан Қозоғистон аҳолисига инсонпарварлик ёрдами юборилди



11:05 / 22.04.2024 1283

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига мувофиқ Қозоғистон Республикасида юз берган сув тошқинлари оқибатида зарар кўрган аҳолига инсонпарварлик ёрдами юборилди. Бу ҳақда бош вазир Абдулла Ариповнинг матбуот хизмати хабар берди

Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши асосида 15 та юк автомашинасидан иборат инсонпарварлик юки шакллантирилиб, юкларни етказиб бериш бўйича ташкилий масалалар белгилаб олинган.

Инсонпарварлик ёрдамида озиқ-овқат маҳсулотлари, аёллар, болалар ва эркеклар уст-бош кийим-кечаклари, кўрпача, ёпинғич, ёстиқлар, гигиеник воситалар, махсус қурилмали чодирлар, резина қайиқ тўпламлари ва бошқа зарур маҳсулотлар ўрин олган.